

**Коррупцияга қарши курашиш борасида «Ўзагроинспекция» томонидан  
2021 йилда амалга оширилган ишлар ва чора-тадбирлар тўғрисида  
Ҳ И С О Б О Т**

Коррупцияга қарши курашиш борасида «Ўзагроинспекция» тизимида 2021 йилда қатор чора-тадбирлар белгиланиб, муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2020 йилда соҳада қабул қилинган ҳужжатлар, амалга оширилган ишлар ва келгусидаги устувор вазифалар танқидий муҳокама қилиниб, 2021 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгиланди.

Жумладан, соҳада ишларимизни тизимли ташкил қилиш ва «Ўзагроинспекция»нинг юқори ахлоқий меъёрларга содиқлигини, шунингдек, тизим ходимлари фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга мурасасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймаслик мақсадида 2021 йил 1 февралда 02/5-12-90-сонли хат билан «Йўл харитаси» ва 3 февралда 01/4-12-97-сонли кўрсатма жойларга ижрога юборилди.

«Ўзагроинспекция» бошлиғининг 2021 йил 12 февралдаги С-4-сон буйруғи билан 9 та ички меъёрий ҳужжатлар, яъни «Ўзагроинспекция» марказий аппарати, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ҳамда тизим ташкилотларида, коррупцияга қарши курашиш сиёсати, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти, манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом, коррупцияга оид ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш регламенти, ходимлар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш юзасидан услубий кўрсатмалар, коррупцияга қарши тамойиллар ва талабларга риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти, коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш регламенти, контрагентлар билан тузиладиган шартномаларга киритиш учун коррупцияга қарши қоидаларнинг мазмуни бўйича асосий шартлар, ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларига киритиш учун коррупцияга қарши қоидаларнинг мазмуни бўйича асосий шартлар ҳамда 2021 йил 21 октябрдаги С-12-сон буйруқ билан эса 3 та ҳужжат, яъни контрагентларни текширишга оид йўриқнома, ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома ва ходимларининг коррупциявий ҳатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламент тасдиқланиб, амалиётга жорий этилди.

«Ўзагроинспекция» ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий билимларини янада ошириш мақсадида 6 та, яъни «Коррупцияга қарши курашиш борасидаги асосий тушунчалар, унга қарши курашиш тарихи ва асосий ёндашувлар», «Коррупцияга қарши курашиш борасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишлари», «Transparency International» Халқаро

нодавлат Ташкилотининг «Коррупцияни идрок этиш индекси»да Ўзбекистон ўрнини яхшилаш масалалари», «Коррупциявий хавф-хатарлар, коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини ошириш масалалари», «Коррупцияга қарши курашиш соҳасида комплаенс назорат тизимининг ўрни ва аҳамияти», «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари» мавзулари бўйича ходимларнинг мустақил равишда ўқиб ўрганишлари ташкиллаштирилди (тайёрланган такдимотлар 2021 йил 2 апрелда, 02-4-12-327-сонли хат билан ходимларга етказилди).

«Ўзагроинспекция»ни юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришга қодир бўлган юқори малакали ходимлар билан таъминлаш, уларнинг ҳужжат ва маълумотларини олиш, жой-жойига қўйиш, малакасини ошириш ва кадрлар захирасини шакллантириш ҳамда улар билан ишлаш, бошқариш ва назорат қилишни тартибга солувчи 2 та, яъни HR-менежмент тизими тўғрисида низом ҳамда ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа лавозимга ўтказишда танлов асосида саралаб олиш тўғрисида тартиб қабул қилинди.

Ходимлар билан тузилган 4 мингдан ортиқ меҳнат шартномаларига, ходим меҳнат шартномаси бўйича ўз хизмат вазифаларини бажараётганда, коррупциявий ҳатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, шу жумладан ғайриқонуний имтиёзларни олиш ёки бошқача тарзда ғайриқонуний мақсадларда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликлар кўринишида пора таклиф қилмаслик, ваъда бермаслик, пул тўламаслик, товламачилик қилмаслик, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермаслик ва пора олмаслик, бирон-бир шахс фойдасига ёки бирон бир шахс хизматларидан фойдаланмаслик, мол-мулк ёки мулкрий ҳуқуқларни олмаслик, шунингдек, ўз ваколатларини суиистеъмол қилмаслик мажбуриятини олиш бўйича ўзгартириш киритилди.

«Ўзагроинспекция» тизимида коррупция ҳолати ва омиллари, шунингдек, «Ўзагроинспекция»да ишни тўғри ташкил этиш, раҳбарларнинг ходимлар билан муносабати юзасидан 1 603 нафар ходимларнинг фикри ижтимоий сўров ўтказиш орқали ўрганилиб, тизимда коррупцияга қарши мурасасизликни шакллантириш, коррупцияга қарши барқарор ҳатти-ҳаракат андазасини ишлаб чиқиш, ходимларни, айниқса, ёш кадрларни тарбиялаш, ҳуқуқий онг ва маданиятини ошириш бўйича ишларни истиқболда давом эттириш борасидаги ишлар 2021 йилнинг I чораги натижаларига бағишланган ҳайъат йиғилишида танқидий муҳокама қилинди, шунингдек, бир қатор устувор ва истиқболли вазифаларни амалда ҳал қилиш, кўшимча шошилиш чоралар кўриш мақсадида 2021 йил 1 июлда қуйидаги масалалар юзасидан 01/4-5-10-сонли кўрсатма ижрога қаратилди. Хусусан:

ижро учун юборилаётган ҳужжатларнинг мазмуни ва аҳамиятини мансабдор шахслар томонидан етарли даражада ўрганиш ҳамда ходимларга тушунтириш;

ижро учун юборилган ҳужжатлар ижросини самарали ташкил этиш, уларда белгиланган мақсадларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича барча даражадаги раҳбарлар ва ходимларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

текширишлар ўтказиш вақтида ва хизмат сафарлари давомида ходимлар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш, бунда, текшириш объектига раҳбарини хабардор қилмасдан бормаслик, текшириш ўтказилаётган ташкилот ходимларини қонун ҳужжатлари нормаларини нотўғри талқин қилиш ва маълум бўлган фактларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топшириш билан кўрқитмаслик, ўзининг текшириш соҳаси бўйича гуруҳ раҳбарини назорат тадбирининг бориши ҳақида хабардор қилиб бориш, текшириш ўтказилаётган ташкилот ходимларига дўқ-пўписа қилмаслик, текшириш предмети бўлмаган масалаларни кўрмаслик, ҳужжатларни талаб қилмаслик, текшириш вақтини ўрганилаётган ташкилот иш вақти билан мувофиқлаштириш, текшириш давомида аниқланган ҳар бир қонунбузилиши ҳолатига қонун ҳужжатлари нуқтаи назаридан ва ҳуқуқий баҳо бериш, текшириш давомида хизмат вазифаси билан боғлиқ бўлмаган иш билан шуғулланмаслик, мансабидан шахсий ёки бошқа шахслар ва ташкилотларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ғаразли мақсадларда фойдаланмаслик, текшириш ўтказилаётган ташкилот ходимлари томонидан ҳар қандай кўринишдаги моддий бойликлар, мулкий моҳиятга молик бўлган хизматлар таклиф қилинганда, ўрганиш гуруҳи раҳбарига зудлик билан хабар бериш, текшириш яқунлари бўйича тузилган далолатномаларни текшириш яқунланган куннинг ўзида имзолаш чораларини кўриш, текшириш ўтказилаётган ташкилот ходимлари билан холис, принципиал ва қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиқиб муомала қилиш, товламачилик ва шу каби бошқа салбий ҳолатларга йўл қўймаслик, «Ўзагроинспекция» ходимлари хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда бевосита текшириш ўтказилаётган ташкилотлар ходимлари билан, шунингдек, хизмат текшируви ўтказилаётган «Ўзагроинспекция» ходими билан бирга умумий овқатланиш (ресторан, бар, кафе, чойхона ва бошқалар) ҳамда кўнгилочар жойларга бирга боришини тақиқлаш, ходимлар билан ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича профилактик суҳбатлар ўтказиш, ходимлар томонидан «Ўзагроинспекция»нинг ички меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш бўйича чоралар кўриш.

Бундан ташқари, контрагентлар билан тузиладиган шартномаларга, тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни «Ўзагроинспекция» ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг

манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкый наф олмаслиги, тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат бериши каби шартлар киритилмоқда.

Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик «Ўзагроинспекция» фаолиятига оид ҳисоботлар, давлат бюджети, мақсадли жамғармалари ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобига харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги, харид комиссиясининг таркиби тўғрисидаги, давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ва бошқа тегишли маълумотлар расмий-веб сайтга жойлаштириб борилмоқда.

«Ўзагроинспекция» тизимидаги коррупция ҳолатлари ҳақида маълумотларни олиш бўйича махсус бот ишга туширилиб, мурожаатларни “Ишонч телефони” ва расмий веб-сайт орқали олиш имкони ҳам яратилди.

«Ўзагроинспекция» тизимидаги қонунчилик базаси инвентаризациядан ўтказилиб, коррупция ҳамда бюрократик омилларга сабаб бўлувчи нормаларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди, шунингдек, фаолиятни тартибга солувчи 128 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рўйхати шакллантирилди ҳамда жисмоний ва юридик шахсларни «Ўзагроинспекция» фаолият йўналишларига оид қонунчилик ҳужжатлари ҳамда ҳуқуқий ўзгаришлардан доимий хабардор бўлишларини таъминлаш, ҳар бир фойдаланувчига ҳужжатлар билан монеликсиз танишишга имкон яратиш мақсадида рўйхат ва ҳужжатларнинг электрон шакли «Ўзагроинспекция»нинг расмий веб-сайтига жойлаштирилди.

Тизимда қонунийликни таъминлаш, ходимларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, шунингдек, коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган муносабатларни бартараф этиш мақсадида «Ўзагроинспекция» тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури ҳамда коррупцион хавф-хатарлар юқори бўлган муносабатларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси 2021 йил 9 ноябрда тасдиқланиб, 01/5-4-727-сонли хат билан ижрога қаратилди.

Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни муносабати билан тизимда Аксилкоррупция ҳафталиги эълон қилиниб, ходимлар учун 3 та «Давлат раҳбарининг коррупцияга қарши курашишдаги муросасиз позицияси», «Коррупцияни бирга енгамиз», «Ўзагроинспекция» – коррупциясиз соҳа» мавзуларида 40 тадан ортиқ тадбирлар ташкиллаштирилиб, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, коррупцияга қарши курашиш соҳасида умумэтироф этилган халқаро стандартлар,

коррупцион хавф-хатарларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, замонавий аксилкоррупцион тизимлар ҳақида ходимларга батафсил ҳуқуқий тушунтириш берилди, шунингдек, 21 тадан ортиқ материаллар расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқлардаги бошқа саҳифаларга жойлаштирилди, 2 мартаба «Ўзбекистон 24» радиоси тўлкинлари орқали эшиттириш берилди.

Коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолаш «E-Anticor.uz» электрон платформаси орқали амалга оширилиши режалаштирилганлиги муносабати билан бу соҳадаги иш самарадорлигини «яхши» деб топилишига ва ижобий иш тажриба бўйича чора-тадбирлар кўрилишига эришиш мақсадида «Ўзагроинспекция»нинг коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолаш бўйича амалга ошириладиган тадбирларнинг рўйхати тасдиқланиб, 2021 йил 10 декабарда 01/4-19-936-сонли хат билан ижрога қаратилди.

Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши мажлисининг 3-4-сонли баёнлари қарори, шунингдек, 2021 йил биринчи ва иккинчи ярим йилликка мўлжалланган иш режаларининг тегишли бандлари ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар юзасидан белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига батафсил маълумот юборилган.

Мазкур ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 2021 йил 6 сентябрдаги 27-сон буйруғи билан тасдиқланган Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низомнинг (2021 йил 8 сентябрь, рўйхат рақами 3319) 15-бандига асосан киритилмоқда.

**«Ўзагроинспекция»нинг Коррупцияга қарши  
ички назорат бўлими**